

INSHONSH

Ушбу сонда:

2 «УМИД ГУЛШАНИ»
— АЁЛ ҚУВОНЧИ

3 «СНАМ» ҚИШЛОҒИ
СНАМЛАРИ

4 КЎКСАРОЙГА САЁХАТ
ёки тоғлар масканида уч кун

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлиси тўғрисида ахборот

2006 йил 11 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида 2007 йилга солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришнинг асосий ёндашувлари ва йўналишлари муҳокама қилинди. Таклиф этилаётган солиқ концепциясига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ўсиш устуворликлари ва барқарор иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик, иқтисодиёт ва унинг алоҳида соҳалари баланслигини таъминлаш, халқнинг турмуш даражасини ошириш асос қилиб олинган.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқилган 2007 йилга солиқ сиёсати концепцияси лойиҳаси куйидаги принциплар асосида ишлаб чиқилган:

Биринчидан, ҳўжалик юритувчи субъектларга мамлакат иқтисодиётининг самарадорлиги ва рақобатбардошлиги ошишига қўмақлашувчи солиқ юкни камайтириш.

Олдинги йилларда ушбу сиёсат изчил амалга оширилгани иқтисодий ўсишнинг барқарор ҳўқори суръатларини таъминлаш имконини берди. Фақат 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида солиқ юкнинг пасайтирилиши корхоналарнинг молиявий ресурсларини 126 млрд. сўмдан орттиқа кўпайтирди. Бу эса инвестицияларни кенгайтириш, ўз айланма маблағларини тўлдирish ва ходимлар меҳнати га ҳақ тўлашни кўпайтириш учун муҳим кўшимча бўлиб хизмат қилди. Жумладан, корхоналарнинг капитал кўйилмалари ҳажми 2006 йилнинг I ярим йиллигида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан реал ҳисоб-китобларга кўра 26,8 фоизга ўсди. Бюджет даромадлари қисқармади, балки иқтисодиётнинг реал ўсиши ҳисобига кўпайди.

Муҳокама қилиш учун киритилган 2007 йилга солиқ сиёсати концепцияси лойиҳасида солиқ ставкаларини янада жиҳдий равишда пасайтириш, хусусан:

юридик шахсларнинг фойдасига (даромадига) солинадиган солиқ ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга пасайтириш таклиф қилинади. Ҳисоб-китобларга кўра, бу фақат 2007 йилда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш, кенгайтириш ва ходимларнинг иш ҳақини ошириш учун корхоналарга ўз ихтиёрида қоладиган фойда (даромад)ни камида 37 млрд. сўм миқдорда кўпайтириш имконини беради;

ягона солиқ тўлови ставкасини 13 фоиздан 10 фоизга пасайтириш таклиф қилинади. Бу кириш бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг ролини кўпайтириш ва унинг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратди;

ягона ижтимоий тўловни 25 фоиздан 24 фоизга пасайтириш таклиф қилинади. Бу меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юкни камайтиради ва тегишли равишда ходимларнинг иш ҳақини ва ихтимойи нафақалар тўловини ошириш учун корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағлар суммасини кўпайтиради.

Таклиф этилаётган концепция лойиҳасида илгари қисман солиқ солинадиган телекоммуникация хизматлари учун тўлов ва реклама харажатлари сингари харажатлар учун юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқни солиқ солинадиган базадан тўлиқ ҳажмда чиқариб ташлаш тадбиркорлик субъектларининг амалий фаолигини рағбатлантиришга, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг махсулотлари ички ва ташқи бозорларга кириб

боришига йўналтирилган.

Юқори тоннажи юк автотранспорт воситаларини, кўп ўринли автобусларни, махсус автомобилларни харид қилиш ёки вақтинча олиб келиш учун йўғим миқдорини 20 фоиздан 6 фоизга пасайтириш кўплаб ишлаб чиқариш, транспорт ва туристик корхоналарга ўз автотранспорт воситалари паркинни янгилашни жадаллаштириш имконини беради.

Иккинчидан, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ставкаларини пасайтириш ҳисобига аҳолининг реал даромадини олиштириш. Такдим этилган лойиҳага даромад солиғининг солиқ солинадиган базаси куйи шкаласини 13 фоиз даражасида сақлаб қолган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача даромад олинганда ўртача шкалани 20 фоиздан 18 фоизга ва энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан орттиқ даромад олинганда юқори шкалани 29 фоиздан 25 фоизга камайтириш назарда тутилган. Бу аҳоли даромади ўсишида бевосита акс этади.

Учинчидан, ресурс солиқларини улushiни кўпайтириш билан бир вақтда тўғри солиқлар улushiни босқичма-босқич пасайтириш ҳисобига давлат бюджетининг даромад қисми таркибини ўзгаришиш учун улари тегишли равишда индексация қилиш назарда тутилмоқда. Бу табиий ресурслардан ва ер-сўв ресурсларидан фойдаланишга оқилна муносабатда бўлишни рағбатлантириш имконини беради.

Айни бир вақтда хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда нефт-газ секторда корхоналарнинг рентабеллигини ошириш учун ер ости бойликларидан фойдалангани учун солиқ ставкасини нефт қазиб олишда 35 фоиздан 20 фоизга, газ конденсати қазиб олишда 32 фоиздан 20 фоизга ва табиий газ қазиб олишда 58 фоиздан 30 фоизга пасайтириш, шунингдек, бензинга акциз солиғи ставкаларини 45 фоиздан 28 фоизга, дизел ёқилғисига — 40 фоиздан 25 фоизга ва авиация керосинига — 20 фоиздан 8 фоизга камайтириш таклиф этилмоқда.

Тўртинчидан, солиқ солиш тизимини, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг айрим турларини ҳисоблаб чиқиш механизми ва тўлаш тартибини энг кўп даражада бирхиллаштириш ва соддалаштириш.

Замонавий савдо тизимини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, кўрсатиладиган савдо хизматлари сифатини ошириш, айниқса, қишлоқ жойларда, бориш қийин бўлган ва тоғли аҳоли пунктларида ошириш учун савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солишининг соддалаштирилган тизимини жорий этиш таклиф қилинади. Ҳозир мавжуд бўлган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бешта тури ва улари ҳисоблаб чиқишининг анча мураккаб тизими ўрнига товар айланмасидан ягона солиқ тўловини жорий этиш: аҳоли сони 100 миңдан орттиқ кишини ташкил этади-

ган шахрларда савдо корхоналари учун — 5%, қолган аҳоли пунктларида — 3%, бориш қийин бўлган тоғли аҳоли пунктларида эса — 1% ставкали ягона солиқ тўловини жорий этиш таклиф қилинади.

Бешинчидан, солиқ тўлашдан бош тортиш ҳолатлари даражасидан, солиққа оид текширишлар очик-ошқора ўтказилишини таъминлашдан келиб чиқиб, солиққа доир текширишлар сонини янада қисқартириш ва солиқ текширувлари тизимига ўтиш йўли билан маъмурий тартибда солиқ ундиришни такомиллаштириш.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида солиқ юкнинг камайтирилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли ўсиши, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолиги ошиши ва аҳолининг реал даромадлари янада ўсиши қайд этилди. Бунда йўқотетнинг потенциал йўқотишлари иқтисодиётнинг ўсиши билан таъминланган солиқ тўшумлари кўпайиши, солиқ тўламаслик ҳолатларининг камайтириши, солиқ йўғиш даражаси ошиши ва солиқ солинадиган база бир қисмининг «хуфёна сектор»дан чиқарилиши ҳисобига қолланади.

2007 йилга назарда тутилган солиқ сиёсати чоратadbirlари куйидаги макроиқтисодий кўрсаткичларга — ялли ички махсулотнинг 7,7% реал ўсишига, саноат тармокларининг камида 10 фоизга жадал ўсишига, инвестициялар ҳажмининг 8 фоизга кўпайишига, инфляция даражасининг 5-7% доирасида сақланиб қолишига, аҳолининг реал даромадлари 17 фоизга ошишига эришиш учун мустаҳкам асос яратиш имконини беради.

Кун тартиби юзасидан сўзга чиққан марказий иқтисодий ва молиявий идоралар, йирик корхоналар ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари 2007 йилга солиқ сиёсати концепциясининг асосий қоидаларини муҳокама қилишда фаол қатнашдилар ва солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш юзасидан назарда тутилган чоратadbirlарга ижобий баҳо бердилар, ишлаб чиқариш ва инвестицияларнинг ўсиши, солиқ тўловчилар даромадининг кўпайиши, табиий ресурслардан оқилна фойдаланиш учун унинг рағбатлантирувчи аҳамияти кучайишини алоҳида қайд этидилар.

Бу йил келгуси йилга солиқ сиёсати август ойидаёқ ишлаб чиқилганлигини қайд этиш зарур. Солиқ солишининг янги шартлари билан олдиндан танишиш имконияти ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш нуктаи назардан ҳўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорларнинг кенг қатламлари учун айниқса муҳимдир.

Муҳокама натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2007 йилга солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳасини маъқуллаш ва 2007 йилга давлат бюджети лойиҳасини тайёрлашда асос сифатида қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Наманган вилоятидаги «Муштарий» акциядорлик жамияти чеварлари йилнинг биринчи ярмини катта муваффақият билан якулади. Бошқача айтганда, бу ерда махсулот ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 123,3 фоиз ўсиши таъминланди.

Бугунги кунда жамиятда уч юз нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилиб келмоқда. Улар учун бу ерда барча шарт-шароит яратиб берилган. Бу эса корхона ишлаб чиқариш қувватидан тўлароқ фойдаланиш имконини бермоқда.

— Ҳозирда ишлаб чиқариш қувватининг 73,5 фоизидан фойдаланмоқдамиз, — дейди бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Алижон

ЖАМИЯТНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

Отабев. — Тикувчиларнинг ўртача маоши ҳам кўтарилиб борапти. Корхонамиз ривожига 3-тикувчилик цехи бошлиғи Ҳабибулла Нейматуллаев раҳбарлигидаги Матлубахон Ҳолиқова, Ҳақима Қўшматова каби уста чеварлар қўшаётган ҳисса салмоқлидир.

Суратда: тикувчи Дилором Мўминова.

Х.МАМАДАЛИЕВ
(ЎЗА) олган сурат

ЯНГИБОДА ЯНГИ КЎПРИК



Жиззах вилоятининг энг кенжа тумани — Янгибод мустақиллик йилларида янада чирой очмоқда. Туман маркази Баландчакир ҳамда кўпгина олис қишлоқларда ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиб фойдаланишга топшириляётгани одамларни мамнун этапти.

Сўнгги йилларда Савот, Учтургон, Пасткичакир қишлоқларида ҚВПлар барпо этилди. Тумандаги 5 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари тугаланиб, иккита чойхона қурилди.

Хонадонларни газлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари аниқ режадастур асосида олиб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 6 километр масофага ичимлик суви, 7,2 километрлик газ трубалари ётқизилди.

Эндиликда Сармич, Савот қишлоқлари аҳолиси бу бебаҳо табиий бойликлардан баҳраманд бўла бошладилар.

Яқинда Янгибодда янги кўприк қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу туман марказига ҳамда чекка қишлоқларга борувчи йўловчиларга қулайлик яратди. Кўприк қурилишига 47 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Кўприксоэлик ишларини Даштбод йўл қурилиш бошқармаси ҳамда туман йўлсозлари амалга оширдилар.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» муҳбири

Карши даштларида пасту баланд мингдан зиёд кир-адирлар бор. Ишон ва Ғузор чўллари орасида жойлашган қадимий манзилгоҳларнинг бири Оловуддин деб аталади. Чакир тошли қумлоқ бу кенгликлар ўрнида бир пайтлар ғўзал шаҳар бўлиб, ёнидан тошқин дарё ўтган.

— Оловуддиннинг сеҳри қирғоғи ҳақидаги тарихий афсоналар айнан шу ернинг ўзида вужудга келган бўлса ажабмас, — дейди ҳамроҳимиз, Нуристон шаҳарча фукаралар йиғини раиси Холиёр Абдуллаев ГРЭСнинг 270 метрли улан минорасига ҳавас ва ҳайрат билан боқар экан. — Нима бўлганда ҳам ўтмишдаги рўё бурғимиз мустақилликка эришган, узок йиллардан буён битмасдан чўзилиб келган нурухона қурилиши ниҳоясига етказилди.

Бундан чорак аср муқаддам Карши даштида Марказий Осиёда энг йирик, соатига 3,2 миллион киловатт энергия берадиган Талимаржон иссиқлик электр станциясининг илк пойдевори қўйилган эди.

Бунёдкорларнинг ҳозирги авлоди иморатга биринчи гиштини қўйган Хусан Абдуллаев, Норпўлат Бердимуродов, Бойжон Ҳайитовдек меҳнат фахрийларини, умрининг ярим асрини чўл кенгликларидан ўтказган ва 25 йил касабга уюшма кўмитасига раислик қилиб, хурмат-этибор орттирган Алимардон Жумаев, комплекс бригада бошлиғи Абдурашул Абдуназаров, монтажчи Абдурахмон Эшов, электр пайвандчи Самад Бойназаров сингари фидойиларнинг номларини фахр билан тилга оладилар.

Карши даштида йигирмадан ор-

тиқ миллат ва элат фарзандлари яшайдиган Нуристон шаҳарчаси қад кўтарди. Қиска муддатда юз миңг квадрат метрдан зиёд турар-жой, 702 ўринли ётқохона, 640 ўринли болалар боғчаси, 1564 ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаби, 220 катновли шифохона, «Тез ёрдам» бўлими, дорихона, маданият

ОЛОВУДДИНИНГ
СЕҲРЛИ ЧИРОҒИ
ёки ҳақиқатга айланган афсона

саройи, ёзги кинотеатр, ўнлаб ошхона ва чойхоналар, бир кеча-кундузда 12,5 миңг кубометр сувини тозалайдиган иншоот, 60,2 километрлик инженерлик коммуникациялари, 9,1 километрлик автомобил йўллари ва бошқа инфратузилмалар барпо этилди.

— Талимаржон иссиқлик электр станциясини нафақат йирик, айни пайтда ўта муҳим, жуда ноёб стратегик маҳмуа ҳисобланади, — дейди унитар корхона директори И. Басидов. — Битта блоки соатига 800 мегаватт энергия ишлаб чиқарадиган электр станциялари санок-



Истиқлолдан — истиқболга

ли. Ҳамдўстлик давлатларидан фақат Россия, Украина ва мана энди Ўзбекистон бундай қувватли энергоблоқларга эга бўлди.

Иншоотни «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси буюртмаси асосида «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» очик акциядорлик жамиятининг «Талимаржон ГРЭС-қурилиш» бошқармаси жамоаси бунёд этди. Техник сув таъминлашни «Гидроқурилиш» трести бажарган.

Ердмичи пудратчилар сифатида меҳанизациялашган ва қурилиш ишлари бошқармалари, «МУ-4», «Турноэлектромонтаж», «Энергоиссиқликмонтаж», «Янги Ангренисиссиқлик-энергомонтанж» акциядорлик жамиятлари, «ЗСАН», «Электро изолят» Ўзбекистон-Россия қўшма корхоналари ва бошқа қурилиш-монтаж ташкилотлари жамоалари хар бир ишни сифатли бажаришга ҳаракат қилишди.

Ўта мураккаб жиҳозлаш ва монтаж жараёнининг амалга ошириш учун ҳукуматимиз фармоишига мувофиқ шартнома асосида Россия-

нинг «Теплоэнергомонтанж» жамияти мутахассислари жалб этилиб, ушбу пудрат ташкилоти кучи билан 20 миңг тоннага яқин технология жиҳозлар ва қувурлар монтаж қилинди. Энергоблоқда Япония, Германия, Францияда тайёрланган энг замонавий компьютер электрон воситаларидан иборат технология жараёнини автоматик бошқариш тизими жорий этилиб, бу мураккаб ишлар «Пик Зебра» ёпик турдаги жамияти (собик Москва фазовий техникалар институту) томонидан амалга оширилди. Ҳукумат қарори билан тендер асосида танлаб олинган Россиянинг «ЭМК - Инжиниринг» компанияси лойиҳани таҳлил қилиш, технология жиҳозларни модернизациялаш ва иссиқлик электр станцияси биринчи блокинни ишга тушириш ва эксплуатация режими даврида станцияни бошқаришда фаол қатнашди. Шу билан бирга компания мутахассислари маҳаллий кадрларга иш ўргатди.

ГРЭСнинг биринчи энергоблоки 56та катта-кичик иншоотларни ўз ичига олади. Асосий корпус, қозонхона, машина бўлими, электр энергияси тарқатиш, сув тозалаш, насос станциялари, қудратли генераторлар, кабел каналлари, технология қувурлар эстакадаси каби ноёб ускуналар, 240 миңг тонна мазут сақланадиган омборхона ва бошқа иншоотлар корхонанинг қон томири ҳисобланади.

(Давоми 4-бетда)

КАСАБА УЮШМАЛАРИ

МУСОСТАҚИЛЛАШТИРИШ ЎН БЕШИНЧИ ЙИЛИДА



Бугунги кунда Тошкент вилояти бўйича 500 миң нафардан зиёд меҳнаткашлар 11 та тармок касабга уюшмалари, 2 миңдан зиёд бошланғич ташкилотларга бирлашган бўлиб, улар ишлаб чиқаришда банд аҳолининг 80 фоизини ташкил этади.

Мулкчилик кўринишларидан қатъи назар деярли барча ташкилотлар, ҳўжаликлар ва муассасаларда касабга уюшмаларнинг бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИ — УСТУВОР ВАЗИФА

Қишлоқ ҳўжалиги, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда амалга ошириляётган ишловлар касабга уюшмалари олдида ўта маъсуллик талабларни қўймоқда. Инсон омилига эътиборни кучайтириш, меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-хўқуқларининг устувор жиомияси бўлишдек шарафли ишни муваффақиятли бажариш учун чуқур билим,

омилкорлик, ташаббускорлик ва қатъиятлик талаб этилади.

Касаба уюшмалари Тошкент вилоят бирлашмаси амалдаги қонунчилик қафолатларига таяниб, Устав ва Ҳаракат дастурида белгилаган вазифаларни изчил амалга ошириб келмоқда. Айни пайтда ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, ҳуқуқий давлат барпо этиш-

амал бўлмоқда. Бу борада, айниқса, аёлларимизнинг ҳуқуқларини таъминлаш, улариинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш юзасидан белгилаган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

2-3 бетлар

КАСАБА УЮШМАЛАРИ

Тошкент вилояти

Тошкент вилояти 1938 йил 15 январда ташкил топган. Республиканинг шимоли-шарқида жойлашган. Шимолдан ва шимоли-ғарбдан Қозоғистон, шимоли-шарқдан Наманган вилояти, жанубдан Тожикистон, жануби-ғарбдан Сирдарё вилояти билан чегарадош, майдони 15,6 минг кв.км. Аҳолиси 2,5 миллион. Таркибиде 15 туман, 6 та шаҳар мавжуд. Маркази Тошкент шаҳри.

Вилоятнинг табиий бойликлари беқиёс. Фақат мустақилликдан сўнггина бу бойликлар халқимиз учун хизмат қила бошлади.

Вилоят кейинги йилларда нафақат пахтачилик, балки мамлакатнинг етакчи саноат корхоналари жойлашган ҳудудлардан бирига айланган. Олмалик рагли металлари, Ангрен "қора олтин"и, Чирчиқ "Электримёсаноат", "Ўзметалл Технолоджи" қўшма корхоналари шулар жумласидандир.

Ҳозирги пайтда фермер хўжалиги етакчи ўрин эгаллаган вилоятда агросаноат мажмуи пахтадан ташқари мева, полиз, узумчилик маҳсулотлари, пилла, бўғдой ва маккажўхори етиштирилади.

(Боши 1-бетда)

Иш бевуричлар билан ижтимоий ҳамкорлик қилишда тармоқ битимлари, жамоа шартномалари асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Корхоналарда меҳнат ва у билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда мазкур ҳужжатлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда жамоа шартномалари корхона, ташкилот ва хўжалиқларнинг 94 фоизда тузилиб, амал қилмоқда. Бу йилги жамоа шартномаларининг хусусияти шундан иборатки, уларда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилди. Корхоналарнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларга меҳнаткашлар манфаатини кўзловчи мингдан ортиқ алоҳида бандлар киритилди. Бу ўз навбатида ёшлар, аёлларнинг ҳуқуқий, иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, турмуш шароитларини яхшилаш имконини бермоқда. Касаба уюшма кўмиталари меҳнаткашларнинг унумли ишлаши учун маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларини олиб бормоқда. Меҳнат таътилларида қўшимча кунлар қўшиб бериш, даволаниш учун имтиёзли йўлланмалар ажратиш, ишлаб кетган ходимлардан мунтазам хабар олиш, кам таъминланган ва ёлғиз аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Масалан, Ёқилги-энерге-

Фаолиятга назар

мувофиқ 2005 йил давомида 33 минг 925 та янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 34 минг 538 та қилиб бажарилиди. Уларнинг 20 минг 126 таси ёки 58,2 фоизи қишлоқ жойларида барпо этилди. Шаҳар ва туманлардаги меҳнат бўлимига қараб ҳисоб қилинганда, мувофиқ 20 минг 325 нафар фуқародан 15 минг 988 нафари ишга жойлаштирилди.

Бирлашма ва вилоят тармоқ кенгашларининг меҳнат муҳофазаси бўйича му-

касб касаллиги ёки саломатликка бошқа хил етказилган зарарни ўз бевуричи томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўламаслик бўйича келиб чиққан низолаҳия юзасидан судда мутахассислар иштирок этиб келмоқда. Жумладан, бирлашма кенгаши томонидан Қибрай туманидаги "Мурод-Сервис" хусусий фирмасида бахтсиз ҳодиса оқибатида М.Расуловнинг қўли жароҳатланган, 50 фоиз меҳнат қобилияти тadbирлар белгиланди. Хусусан, жамоа шартномалари орқали кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатишни режалаштирилган. Шунингдек, Мехрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларга ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилмоқда. Ярим йил давомида вилоятдаги касаба уюшма ташкилотлари томонидан "Маҳалла-корхона" тамойили бўйича аҳолининг ижтимоий ночор қатламларидан 4220 нафарига 52 миллион 700 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Жорий йилнинг 8 ойида 4773 нафар, шундан 181 нафар кам таъминланган ва кўп болали аёллар, 217 нафар тиббиёт ходимлари ва талабалар, 184 нафар пенсионерлар санаторий, дам олиш уйларида дам олдирилди.

Мехрибонлик уйлари, махсус ёрдамчи мактаб-интернатларга 14 миллион 785 минг сўмлик кўмак берилди.

Бирлашма касаба уюшма ходимлари ўқувига катта эътибор қаратилмоқда. Йирк ишлаб чиқариш корхона-ташкilotлари касаба уюшма кўмитаси раислари, агросаноат мажмуи ҳамда савдо, матбуот кооперацияси ходимлари ва тadbиркорлар, таълим ва фан, соғлиқни сақлаш тармоғи касаба уюшма фаоллари учун ташкил этилаётган ўқув-семинарларда иштирокчилар ўз тармоқларига тегишли муаммолар билан ўртоқлашибгина қолмай, илгор иш тажрибалари билан ҳам танишишмоқда.

ЭНГ АСОСИЙСИ – КЎНГИЛ

Меҳр-муруват, бағрикенглик, саховат-пешалик халқимизга хос одат. Чунки меҳру оқибатни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Шулар ҳақида ўйлаганимда боёқалонимиз Алишер Навоийнинг қуйидаги сатрлари ёдимга келаверади:

*Кимки бир кўнгли бевуричнинг хотирини шод айлагай,
Очча борким, Қалба вайрон бўлса, обод айлагай.*

Дарҳақиқат, ҳалоллик, хайр-аҳсон, Беқобод шаҳар ва туманларидаги 54 та кам-харж оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказишда корхона маъмурияти бошқос бўлди. Тўйболаларнинг ҳар бирига совға-саломдан ташқари 30 минг сўмдан қўйилган жамғарма дафтараҳали тақдим этилди.

Наврўз умумхалқ байрамини муносиб кўтириб олиш мақсадида шаҳардаги 30 та маҳаллага озик-овқат маҳсулотлари ажратилди. Комбинатда кўп йиллар ишлаб, ҳозирда нафақада бўлган 50 нафар қарияга ётоқ жилдлари жамламаси тўхфа этилди.

Хайрли ишларимиз кўп. Бирок энг асосийси — кўнгли. Етимлар бошини дилга, ўқисқ қабиларга эзгулик улаштириш алоҳида ором бағишлайди, ҳаётимизни нурга тўлдирди. Ниятимиз ҳам шу аслида.

Илҳом ҚУРБОНОВ,
"Ўзметкомбинат" АИБ касаба уюшма кўмитаси раиси

Саховат

"Ўзметкомбинат" АИЧ бошқаруви ҳамда касаба уюшма кўмитаси томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг олти ойи давомида маҳаллаларнинг кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилалар, ногиронларга ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Жумладан, Қурбон хайити муносабати билан шаҳардаги 600 та ана шундай оилаларга 12 миллион сўмлик моддий кўмак берилди.

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИ — УСТУВОР ВАЗИФА

таҳассислари бошлангич таъхилотларга ушбу соҳа юзасидан қабул қилинган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларининг бажарилиши устидан назорат олиб бориш ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Утган йили улар томонидан жойлардаги 500 дан зиёд касаба уюшма кўмиталарининг фаолияти ўрганиб чиқилди ва натижаларида 4300 та қонун, ва меъёрий ҳужжат талабларининг бузилганлиги аниқланди. Аниқланган камчиликларнинг қарий 95 фоизи бартараф этилди. Меҳнат жароҳати ва касб касаллигига чалинган ходимлар уларнинг соғлиғига етказилган зарар учун тўланадиган пулларни ўз вақтида берилиши масаласида доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Кенгашга мурожаат этган 100 дан зиёд фуқароларнинг аризалари атрофлича ўрганилиб, ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилди. Ходимларга меҳнат жароҳати, йўқотилганлиги сабабли унга 374 минг сўм суд орқали ундирилганда, Янгийўл туман дезоантациеси ходими А.Мемедалиевага касб касаллиги тўғрисида берилган зарар пулини ундиришда қатнашилди.

Корхона ва ташкilotларда ишловчиларга хавфсиз ва қулай иш шароитларини яратишни таъминлаш, меҳнат муҳофазаси устидан жамоатчилик назоратини яхшилаш мақсадида вилоятда мунтазам равишда кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Жумладан, Олмалик тоғ-металлургия комбинатининг Қалмақир руда бошқармаси касаба кўмитасининг меҳнат муҳофазаси комиссияси, "Ўзметкомбинат" АИЧ 1-протак, цехининг меҳнат муҳофазаси бўйича вакили вилоят кўрик-танловларида ғолиб, деб топилди.

Касаба уюшмалари ижтимоий йўналишга оид барча давлат дастурларининг фаол иштирокчисидир. Табиийки, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳам аниқ

Соғломлаштириш ОРОМГОҲЛАРДАГИ ТЎГАРАКЛАР

Бу йил Тошкент вилоятининг барча оромгоҳларида болалар ўртасида турли маънавий-маърифий тadbирлар, спорт мусобақалари ўтказилишига катта эътибор берилмоқда.

Оромгоҳларда спортнинг 7 тури бўйича кичик олимпиада ўйинлари, футбол мусобақалари ҳар навбатда ўтказиб боришмоқда. Болалар қизиқиш ва иштидорларига кўра турли тўғарақларга жалб қилинган. Маънавий ва маърифат хоналарида турли тadbирлар, китобхоналар ўртасида сўхбатлар, викториналар ўтказилмоқда.

Лекин ўқувчиларнинг ҳаммасини шаҳардан ташқари оромгоҳларга жалб қилиш имкони йўқ, албатта. Шу сабабли барча туман, шаҳарларда мактаблар қошидаги кундузги соғломлаштириш масканларида 8 минг 475 нафар бола дам олдирилди.

Ҳозирги кунда вилоят бўйича оромгоҳларда 17 минг 700 нафар бола дам олдирилди. Уларнинг 634 нафари Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари бўлса, 1000 нафари Хоразм вилоятдан келган ўқувчилардир.

Эътибор

Вилоят "Нуроний" жамғармаси, унинг туман ва шаҳарлари бўлинулари, фаоллар ва жамоатчилик марказлари жамоат ташкilotлари, маҳаллий ҳокимият органлари ва ҳомийлар билан мустаҳкам ҳамкорликда барча ташкilotли ва амалий тadbирларни ўтказиб келмоқда. Жумладан, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида энг аввало кам таъминланган оилалар, ўзгалар парварошига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга моддий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

ҚАДР ТОПАЁТГАН ҚАРИЯЛАР

Жорий йилнинг январь-феврал ойларида Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлигига қарашли сихатгоҳларда 495 нафар пенсионер ва ногиронлар ўз соғлиғини тиклади. Бундан ташқари, вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари соғломлаштириш масканларида уруш ва меҳнат фахрийлари мунтазам даволанишмоқда.

Вилоят марказий шифохонасида ҳар ойда 50-60 нафар фахрий соғлиғини тиклади. "Нуроний" жамғармаси марказий Кенгашнинг йўналиши билан Республика терентология марказида ҳар ойда 8 нафар фахрий даволанди.

"Наврўз" байрами туман ва шаҳар марказларида кенг нишонланди. Ҳомий ташкilot ва корхоналар томонидан байрам дастурхоналари ташкил қилиниб, нуроний отахон ва онахонлар, кам таъминланган оилаларга совға-саломлар улашилди. Табаррук қарияларнинг уйларига бориб, ҳолидан хабар олинди. Бу тadbирлар учун Ҳомийлар томонидан 139 миллион 100 минг сўм, "Нуроний" жамғармаси томонидан 850 минг сўм сарфланди.

"9 Май — Хотира ва қадрлаш куни" умумхалқ байрами муносабати билан вилоятимизда истиқомат қилаётган уруш қатнашчилари ва ногиронлар 2006 йил 1 май ҳолатида яна бир бор аниқланиб, қайта рўйхатдан ўтказилди. Натижада вилоят бўйича уруш қатнашчиларининг сони 2 минг 312 нафар эканлиги маълум бўлди.

Жамғарма вилоят бўлими, унинг туман ва шаҳар бўлинулари, жамоатчилик марказлари, фаоллар ва барча жамоат ташкilotлари билан ҳамкорликда байрамга бағишлаб хашарлар ўтказиш, ободончилик ишларини бажариш, хотира хибобларини тартибга келтириш, кўккаламзорлаштиришда фаол қатнашилди. Мажбур хотира хибобларида ёшларнинг турли оммавий тadbирлари, икки авлод урчашувлари, уруш қатнашчиларининг қиққашлари уюштирилди. Вилоят мудофса ишлари бошқармаси, унинг жойлардаги бўлинулари билан ҳарбий ватанпарварлик маъмуларидеги жонли мулоқотлар, уруш қатнашчиларининг сўхбатлари мунтазам ўтказиб борилади.

Байрам арафасида уруш ва меҳнат фахрийлари пойтахтимиздаги сўнгги бунёдкорлик ишлари, янгидан қурилан муҳташам иншоотлар, Мустақиллик майдонидеги зиёратгоҳларга бордилар. Шахидлар хибобини, Темиурйиллар тарихи Давлат музейи, Алишер Навоий номидеги Ўзбекистон Миллий боғига, айниқса, "Бахтиёр Она" монументи ва Мотамсаро Она ҳузуридеги урчашувлар барчада чўқур таассурот қолдирди.

Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда Беқобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия заводи, Олмалик конметаллургия комбинати, Тошкент, Оққўрган ва Охангарон туманлари ўз саховатларини кўрсатмоқдалар.

Нўмон НАСИМОВ,
"Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси

Касаба уюшма шифо масканларида



«Умид гулшани» — аёл қувончи

"Ассалому алайкум «Умид гулшани» санаторийси маъмурияти! Юборган хатингизни олиб, соғлиғимиз ва келажакимиз билан қизиқишимиз бизни ниҳоятда қувонтирди. Фамхўрликларингиз учун миннатдоримиз.

2001 йилнинг январда ушбу сихатгоҳда турмуш ўртосим Нормамат Жалилов билан бирга даволангандик. Сабаби, турмуш курганимизга тўққиз йил бўлишига қарамай, фарзандимиз йўқ эди. Даволаниш ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки орадан етти ой ўтган, мен ҳомиладор эканлигимни билдим.

Бундай бахтга эришишимга сабаб бўлган «Умид гулшани» сихатгоҳи маъмурияти ҳамда бизни чин дилдан даволаган шифокорлару ҳамшираларга қўларингиз дард қўрмасин, дейман".

Саодат Қобилова,
Қамаш тумани

лар даволанишида. Шифо масканидеги электротронур, даволоччи жисмоний тарбия, уқалаш, психология, игнарефлексотерапия, лазеротерапия, (озокепит) парэфин, шифобахш балчик, пархезли овқатланиш даволаш мақсадида қўлланилади. Турли чой ва витаминли коктейллар тайёрлаш учун фитобар мавжуд.

Бу ерга ташриф буюрган даволанувчилар аввало шифокорлар назоратидан ўтказилади. Сўнг 14 кун давомида уларга мунтазам равишда барча турдаги муолажалар қилинади. Шунингдек, тегишли муолажаларни уйда давом эттириш тавсия этилади. Мижозлар фарзандлик бўлганларига шифокорлар назоратидеги бўлишди.

Даволанувчилар орасида икки-уч йилдан бошлаб 24 йиллик даврда фарзанд қўрмаганлар ҳам бор. Масалан, жиззахлик Гулнора Каримова 24 йилдан сўнг шифо топиб, 2002 йилда фарзандлик бўлди. Қибрайлик Сайёра Махдумова 2003 йилда эгизак фарзанд кўрди. Фарғоналик Муқаддас Сангинава саккиз йилдан сўнг ўғилли бўлди. Ҳозирги кунда иккинчи бор фарзанд кўриш мақсадида муолажа олмақда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шу кеча-кундуз сихатгоҳда 15 нафар шифокор, шундан 11 нафар олий тоифали турли соҳа шифокорлари, 50 га яқин мутахассис-врачлар, ҳамширалар сидқидилдан беморларга тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда.

Мижозлар учун барча қулайликларга эга клуб, теннис, биллард, дам олиш хоналари мавжуд.

Замонавий ошхонанинг қўлигул, ширин сўзли ошпазлари лаззатли таомлари билан мижозлар кўнглини олиб келмоқдалар.

Гулжаҳон ШОДМОНОВА,
«Умид гулшани» санаторийси бош шифокори ўринбосари

Фермер — тараққиёт таянчи

ҲОМИЙЛИК ҲАМ ШАРАФ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ ҳўжалигида ҳам тараққиёт ўққарини кенгайтирди. Қисқа даврда иқтисодий муносабатларнинг янгилашқарилини ҳаётга татбиқ этиш соҳасида ибратли тажриба мактаби яратилди. Бугун қишлоқларда бозор муносабатлари талабларига жавоб бера оладиган мулкдорлар сифти вуқудга келди. Чиноз туманидаги Абдусаторов Абдуқўҳор номли фермер хўжалиги шуларнинг бири.

Фермерлик ҳаракати қалдиригочларидан бири сифатида 1996 йилда ташкил этилган хўжалигининг 53,5 гектар ери бор. Ўз қомбайни, унга трактор, икитта тиркама ва битта юк машинасига эга. Бозор иқтисодиёти шароитида бу муҳим аҳамият касб этади. Абдуқўҳор Абдусаторов бозорчилик қилаётган ушбу хўжалигида 19 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг ишлаши ва дам олиши учун барча шароит яратилган. Шиннамчи дала шўкитида ошхона ва дам олиш хонаси мавжуд. Ишчиларга бевул иссиқ овқат берилади.

Яши дам — меҳнатга ҳамдам, дея беиз айтишмаган. Ишчиларга бўлган бундай эътибор самарасиз ишбевитани йўқ. Хўжалик аъзолари ўтган йили галладан гектарига 48,5 центнердан ҳосил кўтаришган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 50 центнерни ташкил этди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида фермер хўжалигининг ҳиммати баланд. Улар кам таъминланган оилалардан бирига қорамол ҳадя қилишди. Тумандаги 42-урта мактабнинг таъмирлаш ишларига 300 минг сўм маблағ ажратилди.

— Ҳомийлик ҳам шараф. — дейди А. Абдусаторов. — Ўзингдан орттириб, ўзга билан баҳам қўриш дилга қувонч бағишлайди. Савоб ишларимиз ҳали олдинда.

Ҳа, меҳнат инсонни улғайтади. Ана шундай улғулук касб этган Абдуқўҳор акадек кишилар юртимизда жуда кўп. Қувончиси, уларнинг сафи кундан-кунга ортиб бормоқда.

Н. НАЗАРОВ

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Жорий йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши нафақат инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, балки тизим фаолиятини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифатини жаҳон талаблари даражасига кўтариш, тиббиёт ходимларининг меҳнат шароитини яхшилаш ва малякали мутахассислар тайёрлаш учун янги имкониятлар эшигини очиб берди.

Шунинг учун, Тошкент туман марказий шифохона касаба уюшма кенгаши ушбу йил давлат дастури асосида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Шифохона қошида ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси ташкил қилинди. Унинг ишини тўғри олиб бориш ва шифокорларни моддий рағбатлантириб бориш учун беш кишидан иборат гуруҳ тузилди.

Жорий йилнинг март ойида яхши ишлаган 350 нафар ходим Тошкент давлат циркида ўтказил-

киадаси ўтказилиб, унда 25 нафардан ортиқ ходим иштирок этди.

Кенгаш томонидан маданий-маърифий тadbирлар ўтказишга ҳам кенг эътибор берилмоқда. Шу мақсадда ўтказилган "Мехрибон санитарка-2006" кўрик-танловида 8 нафар, "Ҳамшира-2006" кўрик-танловида эса 12

Халқимиз саломатлиги йўлида фидоийлик кўрсатаётган тиббиёт ходимларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг рисоладагидек меҳнат шароитида ишлаши учун бундан кейин ҳам барча чораларни қўраверамиз. Зеро, меҳнати кадрларнинг ҳар бир шифокор-

нафар ходим иштирок этиб, ғолиблар кимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Тиббиёт ходимларининг маданий дам олишлари учун махсус хоналар ташкил этилган бўлиб, уларда барча шароитлар яратилган.

нафар ўз ишига нисбатан меҳри ошади, масбуляти кучаяди.

Нуриддин РИХСИБЕКОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг Тошкент тумани бўйича вакили

ХОДИМЛАРНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЎН БЕШИНЧИ ЙИЛИДА

ЭЛДА БЎЛСИН

Кимдир хушнуд давлатининг донги билан,
Кимлар сархуш ибодати тоғи билан,
Одам азиз бу дунёда онги билан,
Хуш ният кил, дилда бўлсин, тилда бўлсин,
Тилагининг энг аввало элда бўлсин.

Ўз ерининг ёмон десанг, яхшинг қани,
Қадрига ет пойингдаги гул, чаманин,
Шу Ватан-ку азиз қилган сану мани,
Тупроғин ўп, дала, дашту чўлда бўлсин,
Кут-барака энг аввало элда бўлсин.

Бегоналар боғларингда боғбон бўлмас,
Нолиш билан мушкулларинг осон бўлмас,
Юз йил тилан, тер тўкмасаңг тўрванг тўлмас,
Оллоҳ берсин, сенда бўлсин, менда бўлсин,
Дуо қилгин, энг аввало элда бўлсин.

Қадринг учун қўлни қўлга боғлаб яша,
Эркин учун ўзни жангга чоғлаб яша,
Юз йил яша, душман кўнглин доғлаб яша,
Элим деган мард яроғи қўлда бўлсин,
Тинч-омонлик энг аввало элда бўлсин.



Сўлим табиати, самимий ва меҳнаткаш инсонлари билан Тошкент вилояти ўзбекистонимизда ўз нуфузи, ўз маънавияти эга. Айниқса, Ангрен, Бўстонлик, Паркент туманларининг мафтункор манзаралари нафақат юртимизда истиқомат қилаётган, балки ўзга мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлари ҳам хайратга солади.

Вилоятдан етишиб чиққан адаблар, шоирларнинг кўпчилигининг бугунги ўзбек адабиётида ўз ўрни

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИ

ва қадри бор. Адабиёт ихлосмандлари отахон адиб, моҳир таржимон Тўлқин Алимов, таниқли ёзувчи Хайридин Султонов, шоирлар Ориф Одилонов, Абдулла Шер, Асом Зиёматов, Шарифа Салимова, Яхё Тоға, Оллоёр Бегалиев, Хамид Норкул каби етук ижодкорларнинг асарларини севиб ўқишда ва ардоқлашда. Ана шу устозлар йўлидан бориб, бугунги кунда ўз ўқувчиларига эга бўлаётган Жамолдин Абдиев, Жамила Султон, Маъмур Бозорали, Латифжон Мансуров, Усмон Беклар хусусида ҳам шундай илиқ фикрларни билдириш мумкин.

Шуни алоҳида эътибор этиш керакки, вилоятнинг уч нафар қизлари — Руссора Тўлабоева, Гулноза Турғубоева, Шахноза Шожалиловалар Зулфия номидаги Давлат мукофотида адабиёт йўналиши бўйича сазовор бўлганлар. Тошкент вилоятда фахрланса арзигулик ижодий муҳит юзага келган. Адабиётимиз бустонига Шўхрат Тоҳир, Жасур Хусанов, Зоҳиджон Холов, Саиджон Махсумов, Наима Абдураҳмонова, Шахноза Равшанова, Иномжон Раҳим, Садоқат Дадаева, Лола Турдибоева каби кўплаб нақирон авлод вакилларининг шиддат ва нафосат билан кириб келаётгани ҳам вилоят аҳлининг ютуғидир. Уларнинг аксарияти илк тўпламларини чоп эттирган.

Уйлаймики, вилоятимиз истеъодлари сафи йил сайин кенгайиб бораверади. Демак, кўнглилар нурланади. Шериятга, адабиётга ошно диллар кўлаяди. Хаёт ўзгаради, муҳаббат қалбларни асир этади. Эзгуликка очилган эшиклар эса азизу муқаррамдир.

Махдум ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири, вилоят ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби

Миллий қўшиқчилигимиз жонкуярлари

Охангарон туман марказидан ўтиб, бир оз юрсангиз таниқли қўшиқчи Тошпўлат Матқаримовнинг кишилоғи — Қорахитойга бориб қоласиз. Ундан сал нарида "Санам" кишлоғи жойлашган. Икки томонда Курама ва Чотқол тоғ тизмаси ястаниб ётган ушбу масканнинг ҳавоси тоза, табиати гўзал. Унинг қок ўртасидан сой кесиб ўтган. Суви муздек, этни жунжиктиради. Хамроҳларимиз Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тadbиркорлар қасаба уюшмаси вилоят кенгаши раҳбарлари Акбарали Султонов ва Ба-

ходир Мирзаев, Охангарон шаҳар ва туман тармок вакили Матлуба Раимқулова, туман ҳокимлиги маънавият бўлими раҳбари Нигора Йўлдошева ҳамда "Охангарон ҳақиқати" газетаси муҳбири Алишер Комилжоновлар билан "Санам" маҳалла фуқаролар йиғинига кириб борганимизда раис Сулаймон ака Мингбоевнинг ёлғиз ўзи кўтиб олганига бироз ажабландик. Сабаби ташрифимиздан макссад шу кишлоқда ташкил этилган "Наврўз" фольклор дастаси билан танишиш эди. Маҳалла раиси ажабланаётганимизни сездми чоғи гап бошлади.

— Хафа бўлмайсизлар. Сизларга ўхшаб борамиз деб, кўп марта келишмаган. Шу боис бу сафар ҳам шундай бўлади деб ўйлашганга ўхшайди. Мен ҳозир одам юбораман.

Раис кимидир жўнатган, маҳалла биноси олдидаги сервикор ёнғоқ дарахти остида бироз гурунглашиб ўтирдик. Гурунғ баҳона Сулаймон ака кишлоқ ва маҳалла фаолияти ҳақида сўйлай кетди:

— Маҳалламиз аҳолиси 5000 нафарни ташкил этади. 700 та хонадондан иборат. Ўзим ўқитувчиликдан маҳалла раислигига ўтганимга олти йил бўлди. Кейинги йилларда маҳаллаларга эътибор кучаяётгани бежиз эмас. Негаки, маҳалла ватан ичра кичик бир ватан ҳисобланади. Азал-азалдан катта-кичик муаммолар, ечилиши керак бўлган масалалар маҳалла аҳлининг ҳамжihatлиги, ёши улугларнинг кенгаши билан хал қилинган. Бугун ҳам шу аънава давом этмоқда. Тўймаърақалар, кам таъминланган, ёлғиз оилаларга моддий ва маънавий кўмак бериш, ёшлар тарбияси маҳалла оқсоқоллари билан бамааслаҳат амалга оширишмоқда. Яқинда Президентимизнинг 308-сонли қарорига кўра кам таъминланган хонадонларга ҳомийлар кумағида 22 бош сиргир бепул тарқатилди.

Шу пайт кўча томонда "Москвич" келиб тўхтади. Ундан ўрта ёшлардаги, қорачадан келган, истараси иссиққина опанон тушиб, биз томонга қараб шовшанга кела бошлади.

— Вой, ўлмасам, меҳмонларни уйга бошлаб ботиравермайсизми, раис. Бу ерда олиб ўтиргангизни қаранг. Ким айтади сизни кўпни кўрган, элга бош оқсоқол деб.

намуналари билан безатилди. Авёлар сўрида давра қуришиб, чанқовуз ва доира жўрлигида лапарларни бошлаб юборишди. Биз эса Буйиша опадан

«САНАМ» ҚИШЛОҒИ САНАМЛАРИ



— Ха, энди тўсатдан ботириб бораск, сизни шовшириб қўймайлик дедимда, Буйишахон, — деди раис бизга кўз қисиб.

— Қизикимиз, энди шовшангиз қайга борарди... Опанинг ҳазили тағидидаги нимқосим пайқаб биз ҳам қулиб юбордик. Бир зумда кайфиятимиз кўтарилиб, куттиш чарчоғимиз унутилди.

— Танишинглар, Буйиша Алиматова. Сиз излаб келган дастанинг раҳбари.

Киска ҳол-аҳвол сўрашдан сўнг Буйиша опа бизни хонадонига таклиф этди...

Унинг ҳовлисидаги тоқ остида ёзилган дастурхон атрофида бир пиёладан чой ичиб, чанқоғимизни қондиргунча, даста аъзолари бирин-кетин кириб кела бошлади. Бир зумда ёнимиздаги сўри миллий каштачилик санъати

Унга дастанинг бошқа аъзолари жўр бўлишди. Жажжигина икки қизалоқ эса рақсга тушди.

— Тadbиркорлик билан ҳам шуғулланар экансизлар? — Ха, тadbиркорликимиз ҳам бор.

Кашта, қурок, бешик анжомлари, от-жобдук, келин сарполари, кўрпачалар тикамиз. Кигиз, шолчалар тўқиймиз. Халқимизнинг нимаси кўп, тўйи, яхши кунлари кўп. Илоҳим доимо шундай бўлсин. Қолаверса, миллийлигимиз йўқолмасин деймиз.

— Ишингизни кенгайтириб, кичик қорхонами, цехми очсангиз бўлмайди?

— Бўлади, нега бўлмас экан. Шунақа ниятимиз ҳам йўқ эмас.

"Наврўз" фольклор гуруҳи 12 нафар аъладан иборат экан. Гуруҳ аъзолари Р. Башақирова, У. Тўйчиева, Р. Умарова, И. Мирғозиева, С. Жоникўлова, Т. Мирғозиева, Б. Тўйчиева, Г. Жоникўлова, М. Усмонова, Т. Нишонова, Қ. Ибодуллова, М. Қаршибоевалар ўз лапарлари, халқ оҳангидидаги дилтортар ўнларни билан халқимизнинг яхши кунлари, тўй-ҳашамларида баҳоли-қудрат хизмат қилиб келишаётган. Энг муҳими, ҳақиқий ўзбекиона куй-қўшиқчилигимиз, оҳангларимизни асраб-авайлаб, бойитиб, келажак авлодга етказиш йўлида изланишаётган.

Хайрлашув чоғида "Санам" кишлоқлик санамларининг куй-қўшиқлари Курама тоғларидан олиб, бутун мамлакат бўйлаб ёйилишини тиладик.

Ж. КОМИЛЖОНОВ

Истиқлол менинг тақдиримда



Оддий бир қизалоқ эдим. Кишлоқ мактабда ўқирдим. Бир кун телевизор қаршида ўтириб, ўзим тенги дугонанинг катта саҳнада кўксиди нишон билан турганини кўрдим, шу ондан ҳаётимда турганимдан бурилиш юз берди.

Аваллига мақоаларим матбуотда чоп этила бошлади. Илк китобчам нашрдан чиқди. Қарабсизки, менга ҳам ўша дугонани каби катта саҳнада Зулфия номидаги Давлат мукофоти нишони топширилди.

ҲАЁТИМДАГИ КУТИЛМАГАН БУРИЛИШ

Мустақиллик менинг тақдиримга мана шундай улкан ўзгаришларни олиб кирди. Ижодкор сифатида хали ўзим илаб етмаган қирраларимни кашф этдим. Авваллари орзу қилишга ҳам қўрққан чўқиларга эришганимдан бениҳоя шодман.

Хозир Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети талабасиман. Бошқача айтганда, бўлажак журналистман.

Бундай имкониятлар биргина менинг эмас, барча ўзбек ёшларининг тақдирда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатишмоқда. Мустақилликнинг асл мазмуну ҳам шунда, бор имкониятдан фойдаланиб, юрт учун, халқ учун хизмат қилиш.

Шахноза ШОЖАЛИЛОВА,
Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси

ВАТАН

Ватан, не деб таърифлай сени,
Гўзал сўзлар қолмади ахир.
Қийинга тенг билмай нени,
Тил лол, фақат юракда фахр.

Эзгуликдан тимсол ахтариб,
Меҳринг туюб, тўлғонди бу тан.
Поклик уфори-ла бурканиб,
Тургучи бир туйғусан Ватан.

Яна истаб таъриф-таърифинг,
Қийсладим жўшқин юракка.
Лек тополмай асл ташбехинг,
Тенг айладим холис тилакка.

Капалаклар чўмилган шабнам,
Қайноқ лабли гулсан ё чаман,
Сўзи руҳга аллайди малҳам,
Муштипарсан, онасан Ватан.

Ислоҳот инсон учун

ШИРКАТЛАР ИШИДАН АҲОЛИ МАМНУН

Мамлакатимизда уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлисида "...Бизда коммунал тармоқлардан самарали фойдаланиш тизими, бу тармоқларни капитал тарзда алмаштириш ва модернизациялаш, умуман олганда, аҳолига коммунал маиший хизмат кўрсатишнинг таъсирчан механизми амалда яратилмаган" дея бу соҳани ислоҳ қилишга қаратилган кенг кўламли дастур тайёрлаш, унинг ижроси бўйича барча катъий чораларни кўриш лозимлигини таъкидлаган эди.

Шундан сўнг қиска муддатда коммунал хизмат сифатини ошириш, уй-жой ширкатларида ислохотларни изчиллик билан амалга оширишга қаратилган ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Бу ишларнинг самараси ўлароқ, жойларда коммунал хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб бормоқда. Ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари тез орада ўзининг ижобий натижасини кўрсатди. Тошкент вилоятда ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилаётган.

Жумладан, Ангрен шаҳрида уй-жой ширкатлари уюшмаси тузилиб, ҳозирги кунда у 47 та ширкати ўз атрофида бирлаштирган. Уюшма 980 уй, 31860 хонадонга хизмат кўрсатиб келмоқда. Барча ширкатлар хона ва керакки анжомлар билан таъминланган. Ҳар бирининг ўз Устави мавжуд.

Ангрен шаҳрида энг намунали ширкатлардан бири "Авангард" ҳисобланади. Унинг раиси Суембека Эралиева бошчилигидаги ишчилар кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келишмоқда. Ҳар бир уйнинг паспортни юритилган. Унга хонадон ва уларда яшовчилар тўрғи-сидда батафсил маълумотлар киритилган.

Уйларнинг барчаси ўз вақтида таъмирланади, ертўлар санитария-гигиена талабларига жавоб беради. Ширкат аъзолари билан сўхбатлашганимизда, улар "Авангард" ширкат ходимларига ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

— Уйларимизнинг томлари бугун, чакка ўтмайди. Йўлақлар таъмирланган, болалар ўйнаши учун шароит яратилган. Ҳар бир йўлак ва кўчада чирик ўрнатилган. Ахлат ташвиш жойлари тартибга солинган. Кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексалар тўловлардан озод этилган, — дейди фуқаро М.Эргашев.

Н. АБДУЛЛАЕВА

Касаба уюшма ва спорт



БЕЛИДА БЕЛБОҒИ БОРЛАР

Белбоғли кураш ўзбек халқининг энг қадим спорт турларидан бўлиб, вилоятимизнинг тоғли Паркент туманида, айниқса, ривожланган. У қадимда халқ сайиллари, тўйларда кенг ўтказилиб, курашчилар ўз кучларини кўрсатишган.

1950 йилларда республика ва Урта Осиё биринчиликлари ўтказилиб, бу мусобақаларда кураги ерга етмаган Паркент туманининг Сўқоқ кишлоқидан Гултурра полков, бир неча марта Осиё чемпиони бўлган. 1950 йилларда эса худди шу кишлоқдан Қўшоқ полков, Роберт полков ва паркентлик Гамлет полковлар ҳам ўз замонасининг машҳур курашчилари бўлишган. У пайтларда белбоғли кураш очик майдонларда, қилғи устида ўтказилар эди. Мустақиллик шарофати билан Паркент туманининг "Кўшчинор" исттироҳат боғида 3 минг ўринга мўлжалланган замонавий кураш аренаси қуриб битказилди. Бу ерда кўлаб вилоят, республика мусобақалари ўтказилиб, унда ёшларимиз белбоғли кураш мусобақаларига жалб этилмоқда.

Ҳар йили "Хотира ва қадрлаш кўни" муносабати билан Республика очик сайил кураши ўтказилиши аниқлана айланган. Бу йилги очик биринчиликда Фаргона водийси, Жиззах, Сирдарё жамоалари билан бир қаторда кўшни давлатлар — Тожикистон ва Қирғизистондан ҳам полковлар ташриф буюришди. Бундай тadbирлар ёшларимиз ўртасида миллий курашнинг тарғиб этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Белбоғли кураш Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли Тошкент туман 4-сон БУСМда ҳам кенг йўлга қўйилган. Бу мактабда ушбу спорт тури бўйича кўлаб курашчилар етишиб чиқмоқда.

Утган йили касаба уюшма курашчиларидан И. Махаматов, У. Махаматов, А. Абдуназаровлар Татаристондан жаҳон чемпиони бўлиб қайтишди. Жорий йилда эса вакилларини Андхон ва Фаргона шаҳрида бўлиб ўтган республика биринчилигида фахрли III ўринни қўлга киритишди.

Шу йилнинг 1-2 июл кунлари вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти биринчилиги Паркент шаҳрида бўлиб ўтди. Мусобақада бир қатор туман ва шаҳарлардан полковлар катнашди. Фолблар республика биринчилигига тайёргарлик кўришмоқда.

К. ТУРСУНОВ,
4-сонлилар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи

Янги даврнинг янги одамлари



ИМКОНИ БОРНИНГ КОНИ БОР

йўналиши бўйича голиб бўлди. Эришилаётган ютуқлар эътиборга олинди, ҳукуматимиз томонидан хўжалик раҳбари М.Тўхтаниёзов ватанимизнинг юксак мукофоти, "Шўхрат" медали билан тақдирланди.

Айни кунда хўжаликда 2


ма қўмитаси раиси Саодат Қобулова. — И ж т и м о й химоя, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги каби масалалар жамоа шартномасида ўз аксини топган.

Фермер хўжалиги эришган ютуқлар ҳам ўзига хос. 2003 йилда Парижда бўлиб ўтган сифат конвенциясининг олтин медали эришган ютуқлар ҳам ўзига хос. 2003 йилда Парижда бўлиб ўтган сифат конвенциясининг олтин медали эришган ютуқлар ҳам ўзига хос.

Утган йилни 200 миллион сўм соф фойда билан яқунлаган фермер хўжалиги айни кунларда янги технологияларни сотиб олиш, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этишга ҳаракат қилмоқда.

Д. МАМАДАЛИЕВ


Кейинги йилларда мамлакатимизда кишлоқ хўжалиги тубдан ўзгармоқда. Айниқса, фермерлик кишлоқда хўжалик юртишининг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўрин эгалламоқда. Бунда тadbиркорларнинг эркин фаолият юртишларини кафолатлаш, уларни давлат рўйхатига олишининг соддалаштирилган механизмининг жорий қилини, кичик бизнес субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича кўрилган чора-tadbирлар муҳим омил бўлди, десак муболаға бўлмайди.



Тошкент тумани Келес шаҳрида жойлашган "Тўхтаниёзов ота" фермер хўжалиги ана шундай истиқлол берган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ижобий натижаларга эришаётганлардан саналади.

1993 йилда "Тўхтаниёзов ота" хусусий кичик қорхонаси ўз фаолиятини бошлади. 1997 йилга келиб қушхона ёнида мўжазига на қолбаса цехи қурилиб, уч турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Аста-секин фаолият кенгайиб борди. Замон талаби, маҳсулотнинг харидорлигиндан келиб чиқиб, қўшимча 0,97 га ер олинди. Бу ерда 4000 та товуқ боқила бошланди. "Пахтабанк"дан 133 минг 346 АҚШ доллари миқдорда кредит олинди, Италиянинг "Veigrask" компаниясидан ҳавони сўриб, вакуум шароитида маҳсулот қадоклайдиган замонавий ускуна сотиб олинди. Энди 20 турдаги халқ эҳтиёжларини қондира оладиган, рақобатбардос, ҳалол ва пок киза қолбаса, сосискалар ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлди. 2000 йилга келиб қорхона туман ҳокимининг қарори билан "Тўхтаниёзов ота" фермер хўжалигига айлантирилди. Бугун маҳсулот ишлаб чиқаришдан олдин унинг бозорини билмасдан, аниқламасдан туриб иш бошлаётганларнинг сони кўп. Шунинг учун тadbиркор биринчи навбатда маркетингни ўзлаштириши, доимо унинг шарт-шароитлари ва мавжуд чекловларини ўрганиб бориши зарур. Буни яхши англаб ётган фермер хўжалиги 2002 йилда олинган кредитни фойдаси билан қайтаришга эришиб, 2005 йилда яна 50 минг АҚШ доллари миқдорда кредит олишга қарор қилди. Россиядан мақорон ишлаб чиқарадиган технология олиб келиниб, 10 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хўжалик бугунги кунда Италия, Австрия, Германия, Россия ва Полша давлатларидан замонавий ускуналар олиб келиб, 50 турдаги рақобатбардос маҳсу-



лотларни тайёрламоқда.

— Бошида нақд пул масаласида анча муаммоларга дуч келгандик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Мухтор Тўхтаниёзов. — Илаган имкон топади дейишдаги. Уйлаб-уйлаб ўз дўконларини мизини очишга қарор қилдик. Бугун пойтахтимизда 5 та, туманда 1 та савдо шаҳобчаси мавжуд. Уларда ойига қарийб 100 млн. сўмлик савдо бўлади. Хўжаликда бугунги кунга келиб 78 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Улар иссиқ овқат, махсус кийим-бош билан таъминланган. Иш ҳақининг ўртача миқдори 50 минг сўмни ташкил этади. — Ишчиларимиз хар олти ойда тиббий кўриқдан ўтказилади, — дейди касаба уюш-

ма қўмитаси раиси Саодат Қобулова. — И ж т и м о й химоя, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги каби масалалар жамоа шартномасида ўз аксини топган.

Фермер хўжалиги эришган ютуқлар ҳам ўзига хос. 2003 йилда Парижда бўлиб ўтган сифат конвенциясининг олтин медали эришган ютуқлар ҳам ўзига хос.

Утган йилни 200 миллион сўм соф фойда билан яқунлаган фермер хўжалиги айни кунларда янги технологияларни сотиб олиш, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этишга ҳаракат қилмоқда.

Утган йилни 200 миллион сўм соф фойда билан яқунлаган фермер хўжалиги айни кунларда янги технологияларни сотиб олиш, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этишга ҳаракат қилмоқда.

Д. МАМАДАЛИЕВ

ОЛОВУДДИННИНГ СЕҲРЛИ ЧИРОҒИ

ёки ҳақиқатга айланган афсона

(Боши 1-бетда)

Атрофига 1500 га яқин аъзони, 11 та цех ташкилотини бирлаштирган касба уюшма кўмитасига иқтидорли мутахассис Анвар Аширов раислик қилапти. Одамлар манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйган ташкилотчи раҳбарнинг куч - ғайрати ва ташаббуси билан касба уюшмасининг жамоадаги нуфузи ортиб борапти. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида 641 кишига 24 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди.

Хар бирига 50 минг сўмдан 2,5 миллион сўм нақд пул тарқатилди. Фаррош М. Бўриева, Х.Нишонова, Д.Абдурахмонова, юк тахловчи П. Азимов, нафақахўр Р. Каратқовалар билан суҳбатлашганимизда маъмурият ва касба уюшма кўмитаси моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганлиги учун миннатдорчилик изҳор этдилар.

Келган фойдадан Нишон туман марказий шифохонасини таъмирлашга 100 миллион сўм ҳомийлик маблағи ажратилди.

Одамлар манфаатдорлигини ошириш тўғрисида кўрсатилган гамхўрлик қўлга киритилган ютуқларга асос бўляпти. Бир кеча-кундузда 16-17 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилаётган нуфузли мажмуада йил давомида 106 миллиард 478,7 миллион сўмлик маҳсулот ўтказиб берилди. 11 миллиард 368 миллион сўм соф фойда олинди. Хар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 164 минг сўмга тўғри келади.

Қудратли генераторлар айланган цехлар тоза ва баҳо-ва. Атмосферага тарқалган зарарли чинкидиларни ушлаб қоладиган махсус қурилмалар ўрнатилган.

Талимаржон иссиқлик электр станцияси қурилиши мамлакатимизда яшаб, меҳнат қилаётган турли миллат вакиллари дўстлиги ва ҳамжихатлиги самараси. Жамоада ишлаётган бош муҳандис корейс Владимир Пак, автоматлаштириш тармоғи чилангари рус Дмитрий Бичков, геодезист қозоқ Иршод Утипов, оддий ишчи эстон Мора Бўриева, шунингдек, Россия давлатидан келиб технологик жараёнларни бошқаришда яқиндан кўмаклашаётган юзлаб мутахассислар ҳамкорлик ва ҳамнафасликда корхонанинг иқтисодий-ижтимоий юксалишига салмоқли улуш қўшмоқдалар.

... Туғилари чўл бағрида оқ кемадек ярашиб турган Нуристон кўрғони олдидан кўзга ташланади. Булуғларни ҳам ортада қолдирган улкан минораларнинг минглаб чироқлари осмондаги юлдузлар билан бахslashгандек теварак-атрофга зий сочди. Халқ эртақларида тилга олинган Оловуддиннинг сеҳрли чироғи ҳақидаги афсона ҳақиқатга айланиб, юртимизга нур-зий сочмоқда.

Мустақил ўзбек дёври қудратини жаҳонга намойиш этмоқда.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири



Ўлкамизда айни ёз фасли. Бу даврда серкўйш Ўзбекистонимизда турфа нознеъматлар, полиз экинлари пишиб етилиши билан бир қаторда, меҳнат жамоаларида кўпчилик таътилга чиқади. Бошқача айтганда, касба уюшма ташкилотларининг таътилини кўпайди. Бунинг хеч ким билмасам ҳам Наманган шаҳридаги иқтисод ва ҳуқуқ фанлари ахтисослашган мактаб-интернат касба уюшма кўмитасидаги яхши билишлар.

— Раънохон опа, меҳнат таътилида жамоа бўлиб айланиб келмайми? — деб қолди иш кўни охиридагида инглиз тили муаллими, ҳамкасблари «тиниб-тинчимас» деб ҳазиллашадиган Зилола Обидова.

Раънохон Юсуловага ҳам ҳамкасбининг тақлифи ёқиб тушди.

Суҳбат устига Сарварохон Иминжонова, Гулнора Исоқова, Мухаббат Анормирзаева, Чень Клара келиб қолиши ва гап мазмунидан хабар топиб, Зилола кўллаб-қувватлашди. Шу кунгич мактаб-интернат касба уюшма кўмитаси раиси Каримжон Халиловга ўз тақлифларини айтишди.

— Майли, яхши тақлиф бу, истақларингизни мактаб-интернатимиз раҳбарларига билдираман, — деди у ҳам муаллимларни кўллаб-қувватлаб.

Нихоят, орадан бир ҳафта фурсат ўтиб, муаллимлар иста-

ги амалга ошадиган бўлди. Улар олдидан бирон-бир шахарга эмас, балки ўз вилоятларининг энг хушманзара, соя-салқин масканларидан саналган Янгиқўрғон туманининг тоғлар маскани — Нанай қишлоғига саёҳат қилаётган бўлишди.

Аслида, туман маркази жазирама худудининг тоғлар ўлкаси билан кесилган нуктасида жойлашган. Янгиқўрғон шаҳарчасидаги сой кўпригиндан ўтиб, кун ботиш томонига кўтарилишин-

зил — афсоналарда тилга олинган Нанай қишлоғига етиб келиди.

Ана шу афсоналардан бирида нақл қилиншича, Шайтон Афанди билан баҳс бойлашибди. Иккиси мана шу тоғлар сари йўлга чиқишибди. Кўп юриб толиқиб қолмаслик учун навбат-наваб навбат бири-иккинчисининг бўлисига чиқиб ўтирадиган элқасида. Элқаси чиккани тинимсиз ашула айтиб бориши керак эди. Қўшиғи тугагач,

олисларга олиб қочади...

Чиндан ҳам тоғ кўришининг расмга тушириб бирон-бир четроқ кишига кўрсатсангиз, қандайдир улкан қаср тасвирланган деган халғга боради.

Айтишларича, қайсидир олис замонларда Кўксарой ўз даврининг энг доврўқли шаҳри бўлган ва бу ерда одил шох ҳукмронлигида халқ фаровон ҳаёт кечирган экан. Шохнинг яққа-ягона, чиройда танҳо қизига кўшни мамлакатнинг эзлим подшохи совчи жўнатиб, ўзига хотинликка сўрабди.

Унинг қонқўрлигини ва эзлим-эшитган қиз рад жавобини берибди. Қўшни шохнинг

Б.НОРКУЛОВ олган суратлар



Сиз қандай ҳордиқ чиқаряпсиз?

пастликда эса нишолдадек кўпирган сой шовуллаиди. Янаям пастроқда ниҳоясиз олмасор боғлар.

Саёҳатчилар табиатнинг бу қадар тенгсиз кўринишига мафтан бўлганларча борлиққа сўқманиб тикилишди. Айниқса, бениҳос эртақлар ва афсоналарга сабабчи Кўксарой улар хаёлини

қўшини кўп, қурол-яроқда устун экан. Шу боисдан Кўксарой устига юриш бошлабди. Кўксаройликлар қаттиқ жанг қилишибди, ҳатто подшонинг ўзи ҳам жангда ҳалок бўлибди, аммо сарой эшикларини очилгани тикилишди. Шунда шох қизи бўлмиш малика бошлик аёллар эркак кийимини кийиб мудофаага ўтишибди. Охири, улар сафи ҳам сийрақлашибди. Шунда енгиланларига кўзи етган малика Яратқандан ўзла-ниро-ю, бутун Кўксарой мамлакатини совуқ тош харсангларига айлантириб қўйишини илтижо қилиб, ялиниб-ёлвоғлики, буни қарангки, унинг истаги амалга ошибди...

Дарҳақиқат, доимо силри сукунат ҳукм сурадиган ушбу тоғда бирон-бир қонзот шарпаси сезилмайди. Кеча-кундуз жим-житлик ҳукмрон. Ҳозиргача уни ҳеч ким тўлалигича ўрганиб чиққан эмас.

Хуллас, саёҳатчи муаллима-лар уч кун ана шу афсонавий тоғлар ўлкасида ҳордиқ чиқаришди. Ўлкамиз табиатини чуқурроқ ўрганишди, сой сувларига қизиқиб қўшилишди, боғларни кезишди, тоғлик аҳоли билан мулоқотда бўлиб, қизиқ-қизил афсона ва эртақларни тингладилар.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири

КЎКСАРОЙГА САЁҲАТ

ёки тоғлар масканида уч кун

пастга тушиб, шеригини елкасига чиқариб олиши шарт эди. Афандининг елкасига чиқиб олган Шайтон Янгиқўрғон шаҳарчасига бор ашуласини айтиб тугатибди. Афандининг қўшиғи эса «най-най, на-най» деганича сира тугамасмиш. Елкада «юки» билан олтимиш қақирим йўл босиб, Кўксарой остонасига етиб келган Шайтон худди шу ерда қолдан тойиб йиқилган ва шушу қишлоқ номи Афанди қўшиғида қуйланганидек «На-най» деб аталади қолган экан.

Муаллима аялар Кўксарой пойгади туристик базага жойлашдилар. Унг томонда булутларга қадар юксалган тоғ,

ҚИШЛОҚ-ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР-ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

- Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.
- Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
- Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
- Уларнинг сифати тўла қафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.

ҲИҚМАТ
Мажбуриятингизни бурч ўрнида қўй, бу кўнгли учун роҳатли ва обрўни сақлаш учун энг тўғри тadbирдир.

Аз-ЗАМАХШАРИЙ

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!
«КАFOЛАТ RIELT» МЧЖ 2006 йил 19, 26 сентябр ва 3, 10 октябр кунлари «Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси» биносидан соат 11.00. да аукцион савдоларини ўтказиш

Республика Акционерлик-Тижорат «Ғаллабанк»

Мустақил юртимиз фуқароларини мамлакатимиз мустақиллигини 15 йиллиги билан муборакбод этади ва «TUNFA» деб номланган қисқа муддатли омонат турларидан фойдаланишни тақлиф қилади. Мазкур омонатларга маблағлар жорий йилнинг 10 августидан 8 сентябргача 3 ой муддатга қабул қилинади ва йиллик 24 фоиз миқдорда устама тўланади.

Шу билан бирга, доимий равишда амалда бўлган қуйидаги омонат турларига маблағлар қабул қилинаётганлигини ҳам маълум қиламиз:

Омонат тури	Муддат	Йиллик фоиз	Бошлагич бадал (сўмда)	Асосий шартлари
Пластик карточка	Муддатсиз	МБнинг қайта молиялан ставкаси миқдоридан	1000	Талаб қилиб олинганча сақланади, фоизлар кунлик ҳисобланади, ой охирида капитализация қилинади, агар омонат қолдиғи 10000 сўмдан кам қолса, шу кун учун фоиз ҳисобланмайди.
Имкониёт	6 ой	18,0	10000	Омонат муддати тугагандан сўнг маблағни уй-рўзгор ашёси, енгил автомобил, турар жойлар сотиб олиш мақсадига ишлатилади
Саломатлик	11 ой	19,8	10000	Фоизлар фақат саёҳатга чиқиб ва саломатлигини тиклаш учун сарфланади
Нафақа-малддор	1 йил	18,0	10000	Омонат фақат нафақахўрларга очилади
Ishonch	3 ойдан 3 йилгача	18,0-20,4	10000 дан 5 000000 гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади.
Luks	3 ойдан 3 йилгача	18,6-21,0	5000000 дан 10000000 гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади.
Kafolat	3 ойдан 3 йилгача	19,2-21,6	10000000 дан юқори	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади.

Istiqlol	6 ой	22	500000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июл-31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойла тўлаб берилади.
Farvonlik	3 ой	21	200000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июл-31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.
Fayzi	2 ой	20	10000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июл-31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.
Meхригиё	18 ёшгача	15,6	10000	Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади ва 18 ёшга тўлганда берилади
Kelajak	16 ёшгача	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдоридан	10000	Омонат 16 ёшгача сақланиб, фоизлар молия йили якунида тўланади
Коммунал омонати	3 ой ва ундан юқори	21,6	100 000	Аҳолига уй-жой, коммунал тўловлар хизмати ва электр тўловларини омонатчи иштирокисиз, фоизлар ҳисобидан, банк томонидан тўлаб берилади.

Омонатлар Республика «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш фонди» томонидан қафолатланади.
Мурожаат учун тел: 136-26-57, 139-70-60, 136-16-55, 133-71-72
Шунингдек, вилоят ва туман (шаҳар) марказларида жойлашган минтақавий филиал ва туман филиалларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.
«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

Ishonch
МУАССИС:
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухалиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM қо...ютеридан терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.

Тиража: 7556 E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru Буюртма Г— 1014

Бизга қўнғирок қилинг:

Котибият 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

«Шарк» нарийв-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - А.Қодирова
Навбатчи - Р.Орипов
Мусаҳҳих - Н.Юлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер:
З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.00